

## "Туркистон" саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди

---



Ёшларнинг теран маънавият, юксак интеллектуал салоҳият соҳиби бўлиб камолга етиши кўп жиҳатдан фидойи устозлар, касбига содиқ ўқитувчилар, жонкуяр мураббийларга боғлиқ. Мамлакатимизда 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни кенг нишонланаётган шу кунларда айти жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Умумхалқ байрами арафасида пойтахтимизга юртимиздаги таълим муассасаларининг илғор ўқитувчилари, олимлар, маънавият тарғиботчилари, кенг жамоатчилик вакиллари тақлиф этилди. Бўлиб ўтаётган учрашувлар, мулоқот ва анжуманлар жараёнида навқирон авлодга пухта билим бериш, уларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб тарбиялаш, миллий ҳаёт тарзимизга, маънавиятимизга зид ва зарарли бўлган ғоялар таъсиридан ишончли ҳимоялашда педагогларнинг бурчи ва масъулияти хусусида атрофлича сўз юритилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинмоқда.

Тадбир иштирокчилари 29 сентябрь куни пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида бўлиб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбошчимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Устоз ва мураббийлар шаҳримиздаги маърифий масканлар, жумладан, Ўзбекистон тарихи давлат музейи билан танишди.

Шу куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида умумхалқ байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият вазирликлари ходимлари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг педагоглари, спорт мураббийлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислон Каримов томонидан таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш, юртимиз ёшларини ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар жиҳатдан соғлом, теран, соғлом ва мустақил тафаккурли инсонлар этиб камолга етказиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бу жабҳадаги эзгу саъй-ҳаракатлар бугун ҳам изчил, шиддатли давр талабига ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, ўқув масканларини куриш, реконструкция қилиш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш бўйича белгиланган вазифаларни ҳаётга изчил жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу жараёнда ўқув-маърифий ислохотларнинг халқимиз, айниқса, ота-оналар, педагоглар, ўқувчи-ёшлар, кенг жамоатчиликнинг орзу-интилишларига, мақсад-муддаоларига монанд бўлишини тўлиқ таъминлашга эришилаётгани ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва интилишини кучайтириш, уларни турли мафкуравий хатарлардан ҳимоялашда муҳим омил бўлмоқда. Айни жиҳатлар умумий ўрта таълим мактабларида янги ўқув йилидан бошлаб 10-синфларнинг ташкил этилгани, ўқувчиларнинг интилишига қараб улар мактаб, коллеж ёки лицейларда таълимни давом эттириши учун кенг имкониятлар яратилганида намоён бўлмоқда.

Соҳада қабул қилинаётган қонун ҳужжатларига мувофиқ сифатли таълим имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, мактабгача таълим даргоҳлари тармоғини кенгайтириш, уларда болаларнинг ҳар жиҳатдан ривожланиши учун шароитларни яхшилаш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш юзасидан тизимли ишлар бажарилмоқда.

Педагогика соҳасида умумий ўрта таълим мактаблари учун мақсадли кадрлар тайёрлаш, бунда ўқитишнинг сиртки шаклидан кенг фойдаланиш, юртимизнинг олис ҳудудлари мактабларини юқори малакали ўқитувчилар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чирчиқ шаҳрида педагогика йўналишидаги олий таълим муассасасининг ташкил этилиши ўқитувчи кадрларни тайёрлаш, жойларда ушбу касб эгаларига бўлган талабни тўлиқроқ қондириш йўлидаги яна бир амалий қадам бўлди.

Президентимизнинг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирларига доир амалий ташаббуслари юқори касб салоҳиятига эга бўлган ўқитувчилар сафининг кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ёш авлоднинг таълим-тарбияси, ҳуқуқ ва манфаатлари, ижтимоий ҳимояси, уларнинг келажаги ҳақида билдирган амалий таклифлари мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган улкан эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир. Чуқур таҳлилий-илмий ёндашувга асосланган бу ғоя ва ташаббуслар юртимиз педагогларини ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам улканроқ масъулият, янада хушёрлик ва огоҳлик билан ёндашувга чорламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан педагогларнинг касб салоҳиятини юксалтириш, уларни ўз устида кўпроқ ишлашга, изланишга доир қатор маърифий лойиҳалар, ижодий танловлар, фан ўқитувчиларининг анжуманлари ўтказилмоқда. "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши мактаби", "Йилнинг энг яхши психологи", "Йилнинг энг яхши тарбиячиси" каби танловлар соҳадаги илғор иш тажрибасини оммалаштириш, фидойи устозларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 сентябрдаги фармониға мувофиқ таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Тадбирда Халқ таълими вазирлигининг "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" кўриктанловлари ғолиблари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими масканларининг фаол педагоглари диплом ва совринлар билан тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Юнусходжаев иштирок этди.

[ЎЗА](#)